

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**География факультети
Геодезия, картография ва кадастр кафедраси**

Умумгеографик карталарини лойихалаш ва тузиш

2-3-Амалий ишлар

Мавзу: Географик карталарни ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш

Тузувчи: г.ф.н., доц. Қорабоев Ж.С.

ТОШКЕНТ -2010

АМАЛИЙ ИШЛАРИ № 2-3

Географик карталарни ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш

Картани таҳлил қилиш мураккаб жараён бўлиб, унда карта элементлари, мазмуни ҳамда картадан фойдаланиш (илмий изланишлар, ўқув, амалий ишлар ва бошқа мақсадлар учун) имкониятлари ҳар томонлама кўриб чиқилади.

Картани баҳолаш уни батафсил таҳлил қилиш натижасида бажарилади. Картани маъноси, илмий ва мантиқан тўғри тузилганлиги, сифати, график жиҳозланиши, ҳамда мўлжалланган ишларга мос келиш-келмаслиги аниқланади ва баҳоланади. Картани баҳолашда қуйидаги хусусиятларига эътибор берилади:

- Мазмунинг мантиқан тўғри ва тўлиқлигига;
- Тасвирнинг геометрик аниқлигига;
- Математик асосига;
- Замонавийлигига;
- Жиҳозланиш сифатига;
- Илмий ва сиёсий жиҳатдан йўналишига.

Амалий ишини бажариш тартиби.

Амалий иши, яъни карталарни таҳлил қилиш ёзма шаклда бўлиб қуйидагиларга жавоб берилади:

1. Картанинг номи, ким томондан ёки қандай ташкилот томонидан тузилганлиги (муаллифи) нашр қилинган картанинг чоп этилишига доир маълумотлар ва нашр қилинган вақти.
2. Кимларга мўлжалланганлиги ва унда бажариладиган картометрик ишлар.
3. Картанинг математик асоси. Бош масштаби. Картографик проекцияси (хатолиги ва уни тарқалиши, проекцияни географик нуқтаи назардан тўғри танланганлиги)
4. Географик асоси-сув объектлари, рельефи, ўсимлиги тупроғи, аҳоли яшайдиган жойлар, чегаралар, алоқа йўллари социал-иқтисодий объектлар элементлари ёзилган шрифтлар ва бошқалар.
5. Нашр қилишда ишлатиладиган ранглар.
6. Карта мазмунини ёритишда ишлатиладиган легенда турлари ва компоновкаси.
7. Карта мазмунини тасвирлашда ишлатиладиган картографик тасвирлаш усуллари баёни.
8. Карта маъносини бошқа маълумотлар билан тўлдирилганлиги: кўшимча карта врезкалар, графиклар, профиллар, матин ва жадвал тарзида берилган маълумотлар.
9. Карта тўғрисида умумий хулоса ва фикрлар.

Ҳисобот тури:

Берилган картани таҳлил қилинган ёзма баёни.

ЎзМУ География факультетида 5540100 - Геодезия, картография ва кадастр йўналиши бўйича бакалаврлар учун 3 - курсда махсус курс сифатида “Карталарини лойиҳалаш ва тузиш” предмети ўқитилади.

Дастур География факультети Илмий – Услубий кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган.

Бу курсда назарий билимлар билан бирга амалий ишлар лаборатория вазибалари ҳам бажарилади. Курсни ўқитиш жараёнида лаборатория ишларни бажариш учун услубий кўрсатмалар яратиш учун услубий кўрсатмалар яратиш зарурияти туғилди. Шунини ҳисобга олиб лаборатория ишларини бажариш учун қисқа услубий кўрсатма ёзилди.

Услубий кўрсатмада бу предметни ўзлаштириш мақсадида лаборатория ишлари берилган бўлиб уни бажариш услублари ёритилган.

Бу методик кўрсатмада мавзунини номи ва бажариладиган лаборатория ишнинг мазмунини ҳамда бажариш услублари содда ва қисқа қилиб кўрсатиб берилган. Услубий кўрсатмада фойдаланиладиган манбалар, карталар ва атласларнинг номлари ва нашр қилинган вақти кўрсатилган.

Тузувчи

доц. Қорабоев Ж.С

Кафедра мудири

Т.ф.д. Сафаров Э.Ю